



## ХЎЖАЛИК ЎРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Маҳмудова Гўзал Самаджон қизи*

Тошкент молия институти таянч докторанти,  
Тошкент, Ўзбекистон. Email: [makhmudova.g.s@gmail.com](mailto:makhmudova.g.s@gmail.com)

ORCID: 0000-0003-1016-9195

## COMPLEX ANALYSIS AND IMPROVING OF THE FINANCIAL STATE OF BUSINESS ENTITIES

*Mahmudova Guzal Samadjon qizi*

Phd student of the Tashkent Financial Institute,  
Tashkent, Uzbekistan. Email: [makhmudova.g.s@gmail.com](mailto:makhmudova.g.s@gmail.com)  
ORCID: 0000-0003-1016-9195

### JEL Classification: M1,M4,M49

**Аннотация.** Мазкур мақолада корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлили ва уни босқичлари атрофлича ёритиб берилган. Бугунги шиддат билан ривожсланаётган иқтисодиёт ва кучли рақобат шароитида корхоналарнинг молиявий ҳолатини барқарор ҳолатда сақлаб қолиш ҳар бир корхонанинг олдида турган асосий вазифасидир. Молиявий барқарорлик ҳақида сўз борар экан, авваламбор, “молиявий барқарорлик” сўзига таъриф берган олимлар фикрлари ўрганилди. Молиявий барқарорликни ўлчаши, унга аниқ баҳо берииш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизими чегаралаб олинди. Таҳлил давомида корхона молиявий ҳолатига таъсири қиласидиган ички ва ташқи омиллар таъсири ўрганилди. Мақолада “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖнинг молиявий ҳисобот шаклларидан [8] фойдаланилган ҳолда корхонанинг молиявий аҳволи ҳар томонлама ўрганилиб, унинг ҳолатига аниқ ва холис баҳо берилган. Корхона баланси актив ва пассив томонлари таҳлил қилиниб, корхона маблағлари ва уларни ташкил

топиши манбалари тўғри жойлаштирилганлиги ҳамда тўғри ўйналтирилганлиги таҳлил қилинган. Шунингдек, корхона молиявий барқарорлигини ифодаловчи мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлар таҳлили амалга оширилган. Корхона ўз маблағлари ва қарз маблағлари ўртасидаги нисбат ҳамда айланма маблағларини манбалар билан таъминланганлиги текширилган. “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ мисолида корхона молиявий интизоми қанчалик риоя қилиши ва тўлов қобилиятига ҳам баҳо берилган. Корхона мулкининг қанчалик тез пулга айланана олиши даражаси таҳлил қилиниб, баҳо берилган. Баланс ликвидлиги таҳлилида корхонанинг мажбуриятларини маблағлари билан қанчалик қоплай олишини кўришишимиз мумкин. Корхона йланма маблағларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида ҳар бир ёки минг сўмлик заҳира ва харажатлар ҳисобига олинган ялти маҳсулот, соф тушум ва ҳисобот йилнинг соф фойдаси каби маълумотлар ҳам таҳлил этилган. Шунингдек, комплекс таҳлилни



такомиллаштириши ўйли билан молиявий ҳолатни таҳлил этиши бўйича назарий ва амалий тақлифлар ишлаб чиқилган. Корхоналарнинг молиявий ҳолатини комплекс таҳлил қилиш ва натижасида олинганд маълумотлар асосида мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этиши молиявий аҳволнинг янада барқарорлашишига олиб келади.

**Abstract.** This article describes the analysis of the financial situation of enterprises and its stages. In today's rapidly developing economy and strong competition, keeping the financial situation of enterprises in a stable state is the main task facing every enterprise. When talking about financial stability, first of all, the opinions of scientists who defined the word "financial stability" were studied. The system of indicators used to measure financial stability and give it an accurate assessment has been limited. During the analysis, the influence of internal and external factors affecting the financial condition of the enterprise was studied.

In the article, the financial situation of the enterprise is comprehensively studied using the forms of financial reports of "Olmaliq Mining and Metallurgical Combine" JSC[8], and a clear and objective assessment of its situation is given. The asset and liability sides of the enterprise's balance sheet were analyzed, and it was analyzed that the company's funds and sources of their formation were correctly placed and directed. Also, the analysis of absolute and relative indicators representing the financial stability of the enterprise was carried out. The ratio between the company's own funds and debt funds and the availability of sources of working capital were checked. In the case of "Olmaliq Mining and Metallurgical Combine" JSC, the extent to which the

company complies with financial discipline and its solvency were evaluated. The level of how quickly the company's property can turn into money is analyzed and evaluated. In the analysis of balance sheet liquidity, we can see how much the company can cover its obligations with its funds. In order to determine the effectiveness of the company's working capital, the data such as gross product, net income and net profit of the reporting year were also analyzed.

Also, theoretical and practical suggestions on financial situation analysis by improving complex analysis have been developed. A comprehensive analysis of the financial situation of enterprises and the timely elimination of existing deficiencies based on the resulting information will lead to further stabilization of the financial situation.

**Калит сўзлар.** Молиявий ҳолам, бухгалтерия баланси, молиявий барқарорлик, ликвидилик, ликвидилик коэффициентлари, баланс ликвидилиги, айланма маблаглар айланниши.

**Keywords.** Financial position, accounting balance, financial stability, liquidity, liquidity ratios, balance liquidity, working capital turnover.

**Кириш.** Рақобатдош иқтисодиётни шакллантириш шароитида корхонанинг молиявий аҳволи яхшиланишида ташки ва ички бозордан тажрибали мижоз ва ҳамроҳ танлаш билан бирга уларнинг молиявий имкониятларини ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Корхоналарнинг фаолиятини чуқур таҳлил этиш, иш самарадорлигини тубдан ўзгартириш, замонавий янги техника ва технологияларни олиб келиш, малакали мутахасисларни жалб қилиш молиявий аҳволи яхшиланишининг муҳим омили бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Корхона фаолиятини таҳлил қилиш унинг ишлаб чиқариш, молиявий ва меҳнат ресурсларидан



самарали фойдаланиш даражасини аниқлашга ёрдам беради, мавжуд ички имкониятларни аниқлаш орқали, корхонанинг молиявий ҳолатини яхшилаш учун чора тадбирлар ишлаб чиқишига имкон беради.

Рақобатдош иқтисодиётда ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш ишлаб чиқариш жараёнини түғри ташкил этишига, мавжуд камчиликларни тезкорлик билан бартараф этишига, айниқса корхонанинг молиявий аҳволига боғлиқ бўлади.

Корхоналарнинг молиявий ҳолатини комплекс таҳлил қилиш ва натижасида олинган маълумотлар асосида мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш молиявий аҳволнинг янада барқарорлашишига олиб келади. Корхоналарнинг молиявий аҳволи барқарорлашиши ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, янги иш ўринлари яратишга, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга имконият түғдиради.

Шу жиҳатдан олганда, корхоналарнинг барқарор фаолият юритишида, ишлаб чиқариш жараёнининг барча элементлари, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлил мукаммал ишлами керак. Иқтисодиёт секторида бозор муносабатларини чуқурлашириш ушбу соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштиришни тақозо этади. Шу сабабли, молиявий ҳисбот шакллари ва уларнинг таҳлилини такомиллаштириш, уни барча секторларнинг тузилмасига ва ўзгаришларига мос тарзда қайта қуриш, корхонанинг молиявий-иктисодий ҳолатини ўрганиш ва назорат қилишнинг мақсадли шаклини ишлаб чиқиш ҳамда қарор топтириш бугунги қуннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам, кейинги йилларда

республикамизда иқтисодий таҳлилга зътибор кучайган. Бу эса бу борада илмий тадқиқотлар олиб боришни ҳамда замонавий иқтисодчи мутахассислар тайёрлашни тақозо этмоқда.

Ушбу ҳолатни ҳисобга оладиган бўлсақ, корхоналарнинг молиявий ҳолатини баҳолаш ва унинг таҳлилини түғри ташкил этилиши ҳамда такомиллаштирилиб борилиши бозор иқтисодиётининг энг долзарб масалаларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил этиш орқали уни янада соғломлаштириш имкониятларига баҳо берилади ҳамда молиявий мустаҳкамлиги кучайтирилади.

**Материал ва метод.** Молиявий барқарорлик ҳақида сўз борар экан, авваламбор, “молиявий барқарорлик” тушунчасига олимлар томонидан қуйидаги таърифлар берилган:

В.Г.Артеменко,  
М.В.Беллендирларнинг фикрича молиявий мустаҳкамлик корхона молиявий ресурсларини шаклланиш, тақсимланиш ва фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди. [2]

А.Д.Шеремет,  
Р.С.Сайфулинларнинг фикрича молиявий мустаҳкамлик ва тўлашга қодирлик бир мазмунга эга бўлиб, тўлашга қодирлик молиявий мустаҳкамликнинг ташқари кўринишини ифодалайди деб таъкидланади.

А.Н.Ли ва С.И.Шевченколар ҳам худди шу фикрга эга. Улар ўз мақолаларида молиявий мустаҳкамлик коэффициентининг таҳлили түғрисида тўхталиб, тўлашга қодирлик кўрсаткичини таҳлил этганлар. [2]

Ўзбек олимларидан  
И.Т.Абдукаримов, М.П.Пардаев,  
М.Ю.Рахимов, З.А.Сагдиллаева ва



бошқалар ҳам корхона молиявий барқарорлик тушунчасига ўз таърифларини бериб ўтганлар. Хусусан, М.Рахимов ва Н.Қаландароваларнинг фикрларида, агар корхона маблағларини эркин тасарруф эта олса, улардан самарали фойдаланса, доимий ишлаб чиқариш ва сотишнинг мукаммал циклик айланиш узлуксизлиги таъминланса, бундай корхонани молиявий барқарор дейишимиз мумкин. [6]

Корхона молиявий ҳолатини комплекс таҳлил қилиш босқичлари орқали таҳлил ўтказиш молиявий ҳолатини чуқур ўрганиш имконини беради. Корхона молиявий ҳолати

таҳлилида дастлаб бухгалтерия балансининг актив ва пассив моддаларини таҳлилини кўриб ўтамиз. Бухгалтерия балансининг актив ва пассив моддаларини таҳлил қилиш орқали корхона мол-мулки ва манбаларидаги ўзгаришлар атрофлича ўрганилади. Бухгалтерия баланси актив моддаларининг таҳлилида мол-мулк ўзгаришини горизонтал ва вертикал таҳлил қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

**Натижалар.** Куйидаги жадвал асосида бухгалтерия баланси актив моддаларини горизонтал ва вертикал таҳлил қиласиз.

#### 1-жадвал<sup>1</sup>

#### Бухгалтерия баланси актив моддаларининг таҳлили[2]

Мол-мулкнинг таркиби	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши (+,-)		
	Сумма,ми нг сўм	Салм оғи, %	Сумма,ми нг сўм	Салм оғи, %	Сумма-даги, минг сўм	Сал-мокда ги, %	Йил бошига нисбатан ўсиши, %
1	2	3	4	5	6=4-2	7=5-3	8=6\2*100
1. Узоқ муддатли активлар	12193229,3	60,96	16714169,6	70,81	4520940,3	9,85	37,08
2. Жорий активлар <b>Шу жумладан:</b>	6872954,9	39,04	6890741,5	29,19	17786,6	-9,85	0,26
А) Товар-моддий заҳиралари, келгуси давр ва муддати кечикирилган харажатлар	4545208	22,72	4099508,2	17,37	-445699,8	-5,35	-9,81
Б) Пул маблағлари ва қисқа муддатли қўйилмалар	1240856,3	6,20	1418261,3	6,01	177405	-0,19	14,30
В) Дебиторлар	850512,1	4,25	978028	4,14	127515,9	-0,11	14,99
<b>Баланс активининг ЖАМИ</b>	20002933	<b>100</b>	23604911,1	<b>100</b>	<b>3601978,1</b>	-	<b>18,01</b>

<sup>1</sup> “Олмалиқ КМК” АЖ молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.

“Олмалиқ комбинати” АЖ баланс маълумотлари асосида таҳлил қилганимизда, жами активлар суммаси 3601978,1 минг сўмга ёки 18,01 % га кўпайган. Активларнинг кўпайишини ижобий баҳолаган ҳолда, маълумотларга эътибор қиласиган бўлсак, активларнинг кўпайиши асосан узоқ муддатли активларнинг 4520940,3 минг сўмга ошганлиги ҳисобига бўлган. Корхонанинг жорий активлари ҳам 17786,6 минг сўмга ошганлигини ҳам ижобий баҳоламоқ лозим. Жорий активларнинг таркибини ўрганадиган бўлсак, жорий йил охирида йил бошига нисбатан товар-моддий заҳиралар 9,81% га камайган, яъни бу камайиш 445699,8 минг сўмни ташкил этади. Корхонанинг дебиторлик қарзлари ҳам йил охирига келиб 14,99% га ёки 127515,9 минг сўмга кўпайганлигини салбий баҳоламоқ керак. Чунки, дебиторлик қарзининг ортиб бориши корхонанинг айланма маблағларини айланнишини секинлаштиради, тўлов қобилиятини

ёмонлашувига олиб келади. Корхона активлари таркибида асосий салмоқни товар-моддий заҳиралари эгалламоқда, яъни у 17,37% га яқин активлар суммасини ташкил этмоқда. Бу шундан далолат берадики, корхонада меъёрдан ортиқча товар-моддий заҳираси яратилганлигини ҳамда унинг натижасида корхона жорий активларини айланниши секинлашишини кўрсатмоқда. Корхонанинг раҳбар ҳодимлари мавжуд активлардан унумли фойдаланиш бўйича асосли чора-тадбир ишлаб чиқишлири зарур деб ҳисоблаймиз.

Баланснинг пассив қисмида корхона маблағларининг қоплаш манбалари кўрсатилади. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида маблағларни қоплаш манбаилари қуидагилардан иборат:

1. Ўзлик маблағларнинг манбалари.
  2. Мажбуриятлар.
- Қуйидаги жадвал асосида бухгалтерия баланси пассив моддаларини горизонтал ва вертикал таҳлил қиласиз.

## 2-жадвал<sup>2</sup>

### Бухгалтерия балансини пассив моддаларининг таҳлили[2]

Мол-мулкни ташкил топиш манбанинг таркиби	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши (+,-)		
	Сумма, минг сўм	Салм оғи, %	Сумма,минг сўм	Салм оғи, %	Суммадаги, минг сўм	Салмоқдаги, %	Йил бошига нисбатан ўсиши, %
1	2	3	4	5	6=4-2	7=5-3	8=6 2*100
1. Ўз маблағларининг манбалари	10699726,3	53,49	13286300,4	56,29	2586574,1	2.80	24,17
2. Мажбуриятлар Шу жумладан:	9303206,7	46,51	10318610,7	43,71	1015404	-2.80	10,91
а) узоқ муддатли мажбуриятлар	5897309,7	29,48	6567302,2	27,82	669992,5	-1,66	11.36
б) жорий мажбуриятлар	3405897,0	17,03	3751308,5	15,89	345411,5	-1,14	10,14


<sup>2</sup> “Олмалиқ КМК” АЖ молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.

<b>Баланс пассивининг ЖАМИ:</b>	20002933	<b>100</b>	23604911,1	<b>100</b>	<b>3601978,1</b>	-	<b>18,01</b>
-------------------------------------	----------	------------	------------	------------	------------------	---	--------------

“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ баланс маълумотлари асосида таҳлил қилганимизда жорий йилнинг бошига нисбатан йил охирида жами пассивлари суммаси 3601978,1 минг сўмга ёки 18,01% га кўпайган. Корхонада мол-мулкни ташкил этувчи манбаларнинг бундай тартибда кўпайишини ижобий ҳолат сифатида баҳоламоқ лозим. Аммо, ушбу манбалар қайси манбалар ҳисобига кўпайганлигига алоҳида аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Яъни манбаларнинг кўпайиши ўз маблағлари манбалари ҳисобигами ёки қарз манбалари ҳисобига эканлигини аниқлаш лозим. Корхонанинг маълумотларидан кўринадики, жорий йил охирида ўз маблағлари манбалари йил бошига нисбатан 2586574,1 минг сўмга ёки 24,17 % га ўсган. Бундай натижаларни корхона учун ижобий деб баҳоламоқ лозим. Чунки, ўз маблағларининг манбаларини кўпайиши корхонанинг молиявий мустақиллигини ортишига, тўлов қобилиятининг яхшиланишига ҳамда корхонанинг ижтимоий-иктисодий

ривожланишига олиб келади. Маълумотлардан кўринадики, корхонада жорий йил охирига мажбуриятлар суммаси 1015404 минг сўмга ёки 10,91% га ўсган. Бу эса мажбуриятларнинг умумий пассивларда тутган салмоғини 2,8% га камайтирган. Бундан кўринадики корхонанинг тўлов ликвидлиги анча кўтарилиган. Баланс пассивидаги моддаларга эътибор қиласидан бўлсан, асосий салмоқни, яъни 56,29 фойизни ўз маблағлари манбалари ташкил этмоқда. Бу корхонанинг мустаҳкам молиявий барқарор эканлигидан далолат беради. Мазкур корхонада ҳисбот даврида жорий мажбуриятлари, яъни кредиторлик қарзлари улуши бир қадар камайганлигини ижобий ҳолат сифатида баҳоламоқ лозим.

Корхона молиявий ҳолатини комплекс таҳлил қилишнинг кейинги босқичида молиявий барқарорлик таҳлилини кўриб ўтамиз. Корхонанинг молиявий барқарорлигига мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлар орқали баҳо берамиз.



1-расм. Молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар[5]

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил этиша молиявий таҳлилнинг корхона молиявий ҳолатини умумий баҳолаш босқичидан кейинги энг асосий босқич бўлиб – корхонанинг молиявий барқарорлиги таҳлили босқичи ҳисобланади. Ушбу босқичда корхонанинг заҳира ва харажатларини қоплашга корхонанинг ўз маблағларини етарли ёки етишмаслиги ўрганилади.

Баланс маълумотларига қараб корхонани заҳира ва харажатларини

кандай манбалар ҳисобига ташкил этилганлиги ўрганилади. Бундай таҳлилнинг зарурлиги шундаки, корхоналарни молиявий мустақиллиги, барқарорлиги, кредит олишга лаёқатлиигини аниқлашда ўзлик манбалар билан таъминланганлик кўрсаткич муҳим аҳамиятга эгадир. Куйидаги жадвалда заҳира ва харажатларни қоплашга ўзлик манбаларнинг етарлиигини аниқлаш услуги келтирилган.

### 3-жадвал<sup>3</sup>

#### Корхона молиявий барқарорлиги мутлоқ кўрсаткичлар орқали таҳлили[6]

№	Кўрсаткичлар	Шартли белги	Йил боши	Йил охири
1	Ўз маблағларининг манбалари(480)[1]	ЎММ	10699726,3	13286300,4
2	Узоқ муддатли активлар(130)	УМА	12193229,3	16714169,6
3	Ўз айланма маблағлари манбалари (1 сатр – 2сатр)	ЎАМ	-1493503	-3427869,2
4	Узоқ муддатли кредит ва қарзлар(570+580)	УК	5648623,4	5790659,2
5	Захира ва харажатларни қоплашга тегишли ўз айланма маблағлари ва узоқ муддатли қарз мажбуриятлари (3 сатр+4 сатр)	ЎУ	4155120,4	2362790
6	Қиска муддатли кредит ва қарзлар(730+740)	КК	151895,2	261485,2
7	Захира ва харажатларни қоплашнинг жами манбалари (5 сатр+6 сатр)	ЖМ	4307015,6	2624275,2
8	Захира ва харажатлар(140+190+200)	З	4545208,1	4099508,2
9	Захира ва харажатларни қоплашга ўз айланма маблағларининг ортиқча (+) ёки етишмаслиги (-) (3 сатр-8	ΔЎАМ	-6038711,1	-7527377,4

<sup>3</sup> “Олмалиқ КМК” АЖ молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.



	сатр)			
10	Захира ва харажатларни қоплашга ўз айланма ва узоқ муддатли кредит ва қарз мажбуриятларининг ортиқча (+) ёки етишмаслиги (-) (5 сатр-8 сатр)	ΔҮУ	-390087,7	-1736718,2
11	Захира ва харажатларнинг қоплашга жами манбаларнинг ортиқча (+) ёки етишмаслиги (-) (7 сатр-8 сатр)	ΔЖМ	-238192,5	-1475233

3-жадвал маълумотлари асосида корхонанинг молиявий барқарорлигига  
4-жадвалдан фойдаланган холда баҳо берамиз.

#### 4-жадвал

##### Молиявий барқарорликнинг типлари[6]

Мумкин бўлган варианatlари (N)	ΔҮАМ	ΔҮУ	ΔЖМ	Молиявий барқарорликнинг тоифалари
1	+	+	+	Мутлоқ барқарор
2	-	+	+	Барқарор
3	-	-	+	Нобарқарор
4	-	-	-	Кризиз ҳолатда

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖсининг молиявий барқарорлигига баҳо берганимизда йил бошида ва йил охирида эса кризис ҳолат кузатилди.

Корхона молиявий барқарорлигини нисбий кўрсаткичлар

орқали баҳо берганимизда молиявий коэффицентлардан фойдаланамиз. Қуйидаги жадвалда молиявий коэффицентлар уларни ҳисоблаш тартиби ва оптимал чегараси келтирилган.

#### 5-жадвал<sup>4</sup>

##### Молиявий барқарорликни нисбий кўрсаткичлар орқали баҳо бериш[6]

№	Молиявий коэффицент номи	Ҳисоблаш тартиби	2020 йил	2021 йил	Оптимал чегараси

<sup>4</sup> “Олмалиқ КМК” АЖ молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.

1	Молиявий мустақиллик коэффиценти	$K_{MM} = \frac{\text{УММ}(480)}{\text{БС}(780)}[1]$	$K_{MM} = 0,53$	$K_{MM} = 0,56$	0,5-1
2	Молиявий барқарорлик коэффиценти	$K_{M6} = \frac{(\text{УММ}(480) + \text{УМК}(490))}{\text{БС}(780)}$	$K_{M6} = 0,83$	$K_{M6} = 0,84$	0,6-1
3	Тулов қобилияты коэффиценти	$K_{ЖЛ} = \frac{\text{ЖА}(390)}{\text{ЖМ}(600)}$	$K_{ЖЛ} = 2,02$	$K_{ЖЛ} = 1,84$	2-3
4	Харакатчанлик коэффиценти	$K_x = \frac{\text{УAM}(480+490-130)}{\text{УММ}(480)}$	$K_x = 0,41$	$K_x = 0,24$	0,1-0,5
5	Банкротликни башорат қилиш коэффиценти	$K_{66} = \frac{\text{УAM}(480+490-130)}{\text{БС}(780)}$	$K_{66} = 0,22$	$K_{66} = 0,13$	Кичиклаш-маслиги керак
6	Молиялаш коэффиценти	$K_m = \frac{\text{УММ}(480)}{M(770)}$	$K_m = 1,15$	$K_m = 1,29$	1 дан катта
7	Иммобилизация коэффиценти	$K_i = \frac{A(011)/(010)A}{B_{6k}}$	$K_i = 0,24$	$K_i = 0,27$	0,5 дан кичик
8	Кумулятив фойдалилк коэффиценти	$K_{кф} = \frac{CФ(270) 2-\text{шакл}}{\text{БС}(780)}$	$K_{кф} = 0,12$	$K_{кф} = 0,17$	Кичиклаш-маслиги керак

“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖнинг молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланган ҳолда молиявий барқарорлигига нисбий кўрсаткичлар орқали баҳо берганимизда, молиявий мустақиллик коэффиценти 2020 йилда 0,53 ни ташкил этиб молиявий мустақил бўлса, 2021 йилга келиб 0,56 ни ташкил этиб корхона молиявий мустақилликка эришган. Корхонанинг молиявий барқарорлик коэффициенти белгиланган нормада, яъни барқарор ҳолатда. Тўлов қобилияти коэффициенти эса жорий даврда белгиланган нормадан бироз пастлигини кўришимиз мумкин, бу ҳолат корхонада жорий мажбуриятларнинг кўпайиб кетганлигини билдиради. Ҳаракатчанлик коэффициенти нормал ҳолатда. Банкротликни башорат қилиш коэффиценти ўтган даврга нисбатан

камайганлиги корхонанинг молиявий аҳволи ёмонлашаётганлигидан далолат беради. Молиялаш коэффициентининг 2020 йилда 1,15 ни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2021 йилда 1,29 ни ташкил этган. Бундан кўринадики корхона ўтган даврда молиялашириш асосан қарз маблағлари ҳисобига амалга оширилган бўлса ҳисобот йилида ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин. Иммобилизация коэффициенти 0,5 дан кичик бу корхонанинг асосий воситалари янги ва замонавийлигини билдиради. Кумулятив фойдалилк коэффициенти 2020 йилда 0,12 ни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2021 йилда 0,17 ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин, яъни ошиши ижобий ҳолатдир. Умумий хуоса қилганимизда “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖнинг молиявий барқарорлигига

нисбий кўрсаткичлар орқали баҳо берганимизда корхонанинг молиявий ҳолати барқарор ҳолатда.

Корхона молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг кейинги босқичи баланс ликвидлиги таҳлилидир. Баланс ликвидлиги таҳлили корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлилида муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Баланс

ликвидлилиги корхонанинг ҳар хил мажбуриятларини тегишли активлар билан қоплай олиш қобилиятини билдиради. Маблағлар ликвидлилиги(айланувчанлиги)ни баҳолашда активлар, капитал ва мажбуриятлар ҳаракатчанлиги ва тўлов муддат бўйича қўйидагича таркибланади.[3]

#### 6-жадвал

#### Баланс актив ва пассив моддаларининг ликвидлилиги бўйича таркибланиши[7]

Актив моддалар таркибланиши		Пассив моддалар таркибланиши		
A1	Юқори ликвидли активлар 1418261,3	Пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар	P1	Тез тўланиши керак мажбуриятлар 2778635,6
A2	Тез сотилувчи активлар 978028	Дебиторлик мажбуриятлари (12 ой давомида пулга айланувчи)	P2	Қисқа муддатли пассивлар 261485,2
A3	Секин сотилувчи активлар 4099508,2	Ишлаб чиқариш захиралари, келгуси давр харажатлари, кечикирилган харажатлар (12 ойдан ошувчи дебиторлик мажбуриятлари)	P3	Узоқ муддатли пассивлар 6567302,2
A4	Қийин сотилувчи активлар 16714169,6	Узоқ муддатли активлар	P4	Доимий пассивлар 13286300,4
Үз маблағлари манбаи				

Қўйидаги шартлар бажарилганда корхона баланси ликвид ҳисобланади:

$A_1 > P_1$  – корхонанинг тез тўланиши керак мажбуриятлари юқори ликвидли активлар билан қопланиши.

$A_2 > P_2$  – корхонанинг қисқа муддатли пассивларини тез сотилувчи

активлари билан қопланиши.

$A_3 > P_3$  – корхонанинг узоқ муддатли пассивларини секин сотилувчи активлар билан қоплай олиши.

$A_4 < P_4$  – корхонанинг доимий пассивлари қийин сотилувчи активларидан юқори бўлиши.

#### 7-жадвал

#### Молиявий барқарорлик типлари[6]

Молиявий барқарорлик типлари			
$A_1 > P_1$	$A_1 < P_1$	$A_1 < P_1$	$A_1 < P_1$
$A_2 > P_2$	$A_2 > P_2$	$A_2 < P_2$	$A_2 < P_2$
$A_3 > P_3$	$A_3 > P_3$	$A_3 > P_3$	$A_3 < P_3$

$A_4 < \Pi_4$	$A_4 < \Pi_4$	$A_4 < \Pi_4$	$A_4 > \Pi_4$
Мутлоқ барқарор	Барқарор	Нобарқарор	Кризис ҳолат
Барча шартлар бажарилиши	Битта шарт бажарилмаслиги	Иккита ва учта шарт бажарилмаслиги	Умуман шарт бажарилмаслиги

Баланс ликвидлиги таҳлилида корхонанинг мажбуриятларини маблағлари билан қоплай ололмаслигини кўришимиз мумкин. Баланс ликвидлилиги таҳлили активлар ва

пассивлар таркибини баҳолаш имконини беради. 6-жадвал маълумотлари асосида 7-жадвалдан фойдаланган ҳолда баланс

ликвидлиги баҳо берганимизда корхона молиявий барқарорлиги нобарқарор ҳолат кўзатилмоқда бундан кўринадики

корхона маблағлари билан мажбуриятларини ўз муддатида қоплай олмайди.

Кейинги босқичда корхона ликвидлилик кўрсаткичлари таҳлилини кўриб ўтамиз ва қўйидаги ликвидлилик коэффициентларини ҳисоблаймиз: жорий ликвидлилик коэффициенти, тез ликвидлилик коэффициенти ва мутлоқ ликвидлилик коэффициенти.[4]

#### 8-жадвал

#### Корхона ликвидлилик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш тартиби[7]

Аниқлаш тартиби	Корхонанинг ликвидлилик коэффициентлари	Меъёрлари
$K_{\text{жл}} = A_1 + A_2 + A_3 / \Pi_1 + \Pi_2 = 6495797,5 / 3040120,8 = 2,14$	Жорий ликвидлилик коэффициенти. Корхонанинг жорий мажбуриятларини қоплай олиш имкониятини кўрсатади	$K_{\text{тл}} > 2$
$K_{\text{тл}} = A_1 + A_2 / \Pi_1 + \Pi_2 = 2396289,3 / 3040120,8 = 0,79$	Тез ликвидлилик коэффициенти. Корхонанинг тез ликвидлилик активлари жорий мажбуриятларини қоплай олиш имкониятини кўрсатади	$K_{\text{бл}} > 0,7$
$K_{\text{мл}} = A_1 / \Pi_1 + \Pi_2 = 1418261,3 / 3040120,8 = 0,47$	Мутлоқ ликвидлилик коэффициенти. Корхонанинг пул маблағлари жорий мажбуриятларини қоплай олиш имкониятини кўрсатади	$K_{\text{абл}} > 0,2$

Корхона кўрсаткичлари таҳлилида барча ликвидлилик коэффициентлари меъёр даражасидан юқорилигини кўришимиз мумкин.

Корхона молиявий ҳолатини баҳолашнинг кейинги муҳим босқичи маблағларнинг

айланувчанлигини таҳлил қилиш ҳисобланади. Айланма маблағларнинг айланувчанлиги корхона фаолиятининг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткич бўлиб, у асосда бизнесни бошқаришда ресурслар чекланганлиги ва улардан унумли фойдаланиш даражаси таҳлил қилинади. Айланма маблағларнинг



айланишини таҳлил қилганда қуидаги кўрсаткичлар аниқланади:

маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан соф тушум(010 сатр 2-шакл)[1]

а) айланиш коэффициенти =  $\frac{\text{товар-моддий захиралари}(140 \text{ сатр} 1\text{-шакл})}{\text{товар-моддий захиралари}(140 \text{ сатр} 1\text{-шакл}) * \text{хисобот давр куни}(360)}$

б) айланиш куни =  $\frac{\text{маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан соф тушум}(010 \text{ сатр} 2\text{-шакл})}{\text{товар-моддий захиралари}(140 \text{ сатр} 1\text{-шакл})}$

в) айланиш салмоғи коэффициенти =  $\frac{\text{маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан соф тушум}(010 \text{ сатр} 2\text{-шакл})}{\text{олинган ялпи маҳсулот, соф тушум ва хисобот йилнинг соф фойдаси каби маълумотлар ҳам таҳлил этилади.}}$

Бу коэффициентлардан ташқари айланма маблағларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида ҳар бир ёки минг сўмлик заҳира ва харажатлар ҳисобига

9-жадвал

### Айланма маблағлар айланишини таҳлили[2]

Кўрсаткичлар номи	Ўтган йили	Хисобот йили	Фарқи (+,-)
1	2	3	4=3-2
1. Махсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум, минг сўмда	17813714,3	23222870,7	5409156,4
2. Жами товар – моддий захиралари, минг сўмда	4444996,8	3967121,6	-477875,2
3. Товар моддий захираларининг (айланма маблағларнинг) айланиш коэффициенти (1\2)	4,01	5,85	1,84
4. Товар моддий захираларининг (айланма маблағларнинг) айланиш даври, кун ҳисобида	90	61,2	-28,8
5. Айланиш салмоғи коэффициенти (2\1)	0,25	0,17	-0,08
<b>6. Айланиши тезлашиши ёки секинлашишидан маблағларнинг бўшашибонлиги (-) ёки кўшимча (+) жалб қилинганини:</b> а) кун ҳисобида б) суммада, минг сўмда	x x	x x	-28,8 -1857829,7

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, биз таҳлил қилаётган “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖда жорий йилда маҳсулотларни сотишдан олинган соф тушум миқдори 5409156,4минг сўмга ортган. Лекин товар-моддий захираларининг қиймати

477875,2 минг сўмга камайган. Буларнинг натижасида товар-моддий захираларининг айланиш коэффициенти ўтган йилга нисбатан 1,84 га ошган. Айланиш даври эса ўтган йилга нисбатан 28,8 кунга қисқарган, яъни тезлашган. Корхонанинг товар-моддий захираларини



айланишини тезлашиши натижасида корхона оборотидан маблағларнинг бўшашиши 1857829,7 минг сўмни ташкил этган. Бундай натижаларни корхона учун ижобий баҳоламоқ лозим.

**Мунозара.** “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ молиявий ҳисботлари орқали корхона молиявий ҳолати таҳлил қилингандан қуидаги натижаларга эришилди:

- жами активлар суммаси 3601978,1 минг сўмга ёки 18,01 % га кўпайган. Активларнинг кўпайишини ижобий баҳолаган ҳолда, маълумотларга эътибор қиласиган бўлсак, активларнинг кўпайиши асосан узоқ муддатли активларнинг 4520940,3 минг сўмга ошганлиги ҳисобига бўлган. Корхонанинг дебиторлик қарзлари ҳам йил охирига келиб 14,99% га ёки 127515,9 минг сўмга кўпайганлигини салбий баҳоламоқ керак. Чунки, дебиторлик қарзининг ортиб бориши корхонанинг айланма маблағларини айланшини секинлаштиради, тўлов қобилиятини ёмонлашувига олиб келади;

- жорий йил охирида ўз маблағлари манбалари йил бошига нисбатан 2586574,1 минг сўмга ёки 24,17 % га ўсган;

- корхона молиявий барқарорлигига мутлоқ кўрсаткичлар орқали баҳо берганимизда йил бошида ва йил охирида эса кризис ҳолат қузатилди;

- “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖнинг молиявий барқарорлигига нисбий кўрсаткичлар орқали баҳо берганимизда корхонанинг молиявий ҳолати барқарор ҳолатда;

- баланс ликвидлиги баҳо берганимизда корхона молиявий

барқарорлиги нобарқарор ҳолат кўзатилмоқда бундан кўринадики корхона маблағлари билан мажбуриятларини ўз муддатида қоплай олмайди;

- корхона ликвидлилик кўрсаткичлари таҳлилида барча ликвидлилик коэффициентлари меъёр даражасидан юқорилигини кўришимиз мумкин;

- корхонанинг товар-моддий заҳираларини айланшини тезлашиши натижасида корхона оборотидан маблағларнинг бўшашиши 1857829,7 минг сўмни ташкил этган.

**Хуроса.** Молиявий ҳолатни комплекс таҳлил қилиш орқали корхонанинг молиявий аҳволини тўлиқ ва атрофлича ёритиб берилади. Биз таҳлил қилган “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ фаолиятида корхона молиявий ҳолати нобарқарор ҳолатда экан. Корхона активлари таркибида асосий салмоқни товар-моддий заҳиралари эгалламоқда, яъни у 17,37% га яқин активлар суммасини ташкил этмоқда. Бу шундан далолат берадики, корхонада меъёрдан ортиқча товар-моддий заҳираси яратилганлигини ҳамда унинг натижасида корхона жорий активларини айланishi секинлашишини кўрсатмоқда. Корхонанинг раҳбар ҳодимлари мавжуд активлардан унумли фойдаланиш бўйича асосли чора-тадбир ишлаб чиқишилари зарур деб ҳисоблаймиз. Баланс ликвидлиги таҳлилида корхонанинг мажбуриятларини маблағлари билан қоплай ололмаслигини кўришимиз мумкин.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг №140-сонли буйруғи “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тулдириш бўйича қоидалар”, Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган.
2. Ваҳобов А.В., Ишонқулов Н.Ф.,Иброҳимов А.Т. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. З-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. ТМИ.-Т.: “Иқтисод-Молия”. 2013. 600 б.
3. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили.Ўкув кўлланма.ТМИ.-Т.: “Иқтисод-Молия”. 2015. 392 б.
4. Лиференко Г.Н. Финансовый анализ предприятия: Учеб.пособие.-М.: Экзамен, 2005.с. 160.
5. Shog‘iyosov T. Kompleks iqtisodiy tahlil. Darslik. –Т.: “Fan va texnologiya” 2012. – 278 b.
6. Рахимов М., Мавлонов Н., Қаландарова Н. Иқтисодий таҳлил. Дарслик. ТМИ.-Т.: “Иқтисод-Молия”. 2022. 517 б.
7. [www.finzz.ru](http://www.finzz.ru)
8. [www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)